Стратегик ва минтақа... кутубхонаси тадқиқотлар институти


# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил, 28 май | 21 (50)- сон


# ПРЕЗИДЕНТ ЙЎЛЛАР ОЧИШНИ КЎЗЛАЙДИ

Биз Марказий Осиё ва Ўзбекистонда истиқомат қилувчилар шундай вазият эгаси эканмизки, энг яқин ва қулай денгиз бандаргоҳларига етиб боришлик учун камида икки-уч минг чақирим йўл босиб ўтишимиз керак экан. Ҳа, биз осиёликлар ернинг ўртасида яшаймиз. Ҳа, Худо бу ерларда ўз бойликлари, хазиналари, турли-туманликлари, ранг-барангликларини сира аямаган. Ҳайбатли тоғлар тизмалари ҳам, бепоён чўллар ҳам, ақлни лол қолдирадиган саҳролар ҳам, киши ҳаётига ором ва фароҳ бахш этгувчи равзалар ҳам бу ерларда ястаниб ётади.

Фақат йўлларимиз узоқ. Барча сивилизация маконларига йўлларимиз бир неча мамлакатлардан ўтади. Шарққа ҳам, Шимолга ҳам, Ғарбга ҳам, Жанубга ҳам йўлларимиз бошқа давлатлар билан келишувлар, битимлар, шартномалар асосида битади. Йигирманчи аср шундай бир аср бўлдики, ҳар бир мамлакатнинг қудрати унинг жаҳонга чиқадиган йўлларига боғлиқ. Қудратигина эмас, узлуксиз равнақи ҳам йўлларнинг қандайлиги билан белгиланади. Йўлинг бўлса-ю кучинг бўлмаса, бу ҳам ҳавас қиладиган ҳол эмас. Кучинг бўлса-ю йўлинг бўлмаса, қаерда сарф қиласан бу кучингни. Кучингга куч қўшилмайди. У тобора камайиб бораверади.

Кейинги икки аср йўлларимиз узоқ, деб астағфуриллоҳ, эриниб ётдик. Ориф ва Омил аждодларнинг, Амир Темур ҳазратларининг жаҳоннинг тўрт томонига солган йўлларини унутдик. Дунёнинг тўрт ёғига олиб борадиган ипак йўлларни қум босди. Биз унутган ва биз қарамай қўйган йўлларни бошқа забардастроқлар аста-аста эгаллаб олдилар.

Қадим йўллар — колониал йўлларга айланди. Улардан фақат битта ҳукмрон тоталитар давлатнинг юкларигина ташиладиган бўлди.

Аслида ҳар қандай йўллар инсоният манфаатларига хизмат қилади. Карвон йўллари барча одамзод учун, барча мамлакатлар учун тугал холисдир. Лекин зўравон салтанат йўлларнинг холислигига буткул барҳам берди. Ва йўллар мазмунан фақат колониал моллар ташиладиган йўлларга айланиб қолди. Колониал йўллар — ташиб кетилувчи йўллар, турли халқларни ўз худо ато этган ерларидан зўрлаб кўчириб юборувчи йўллар, халқларнинг мулклари ва ерларини зўрлик билан ўзлаштириб олувчиларга хизмат этувчи йўллар бўлди.

Колониал йўллар фақат шимолга ва фақат Сибирга олиб борадиган бўлди. Йўлларнинг фақат Шимол томон олиб ўтиши қарамлигимизни янада кучайтирди. Ўзбекистон давлат сифатида йўл солиш ва йўл очишдан маҳрум бўлди.

Бу маҳрумлик — маҳрумиятларнинг энг золи, энг ёмони, энг қашшоғи эди.

Йўлсиз давлат — қўлсиз давлат. Қўл-оёқсиз давлат.

Йўлли давлат — йўриқли давлат. Ёқтили давлат, ёрқин ёруғли давлат.

Бу ҳикматлар Ўзбекистоннинг бундан беш йил бурунги тақдирида ҳам, ҳозирги тугал ўзгача мустақил тақдирида ҳам қанчалар ҳақ эканлиги тўлиқ акс этиб турибди.

Президент Ислом Каримов мамлакат масъулиятини елкасига олгандан бери йўл қидиради. Йўл ҳақида ўйлайди. Йўл очиш тадбирлари ва режаларини кўзлайди. Зумра-замрасига иқтисодчилик сингиб кетганлиги боис иқтисодий ривожланишнинг асоси жаҳонга олиб чиқадиган йўлларда эканлигини ниҳоятда нозик ва теран ҳис этади.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё дунёга тамомила ишончли йўллар орқали чиқишини орзу қилади. Орзусини амалга ошириш, рўёбга чиқариш учун тун-кун тиним билмай ҳаракатда.

Давлат бошлиқлари билан учрашаркан, уларнинг эътиборини йўлларга қаратади. Халқ билан кўришганда, қўйган масалаларининг қоқ марказида йўллар солиш фикри туради.

Куни кеча Латвия Президенти Улманис билан, Латвия савдо-саноати доиралари билан учрашувларда суҳбатларнинг мағзи-мағзи йўллар, портлар, терминаллар — турли коммуникатсия тармоқлари хусусида борди.

Сал илгарироқ ЭКОга аъзо давлатларнинг раҳбарлари Машҳад, Сарахс, Ашхобод учрашувларида ҳам коммуникатсия системаларининг Ғарб, Шарқ, Жануб сари кучайиб, тармоқланиб бориши ҳаммаларининг диққат марказларида турди.

Бугун Ислом Каримов Кавказ мамлакатларига сафар билан бораркан, бу сафарнинг туб мазмуни — йўл очиш — Кавказ, Қора денгиз, Ўрта денгиз соҳилларига йўл очиш билан белгиланади.

Президент Каримов Марказий Осиё, Ўзбекистон, Ўрта Шарқнинг қудрати эндиги замонларда фақат йўллар билан белгиланишини ҳозирги пайтда энг теран тушуниб турган ва шу йўлда фидокорона меҳнат қилаётган кишилардан биридир.

Нега йўл? Нега фақат йўл?

Чунки йўл ва фақат йўл бизни қарамликларнинг қашшоқликларидан халос этади. Йўлли одам қашшоқ бўлиши мумкин эмас. Ва Худо буюрганки, Ўзбекистондай мамлакатда яшаб туриб қашшоқ бўлиш мумкин эмас. Президент бизни йўллар қашшоқликдан қутқаради, деб қаттиқ ишонади. Шу ишонч билан ишончли йўллар очади. Ишончли йўллар! Йўлли одам, йўлли мамлакат ҳеч қачон хор бўлмайди. Тобе бўлмайди. Қашшоқ бўлмайди. Президентнинг шу ишончи — ишонч! Халқ шу ишончга эргашса, унга бахту саодат ҳамиша ёр бўлгай!

**МУҲАРРИР**

# МАККОРНИНГ ҲИСОБИГА АЛДАНМАНГ

Ассалому-алайкум ҳурматли «Миллий тикланиш» рўзномасининг таҳрир ҳайъати аъзолари. Россия Давлат думасининг 1996 йил 15 мартдаги Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини боши янчилган илоннинг сўнгги бор тўлғонишига ўхшатиш мумкин. Аммо ана шу «сўнгги тўлғониш» ҳам кўпчилик эркпарвар ва маърифатли кимсаларни жиддий ташвишларга қўйган бўлса, айрим бировлар ҳисобига кун кўриб, оз ишлаб, кўпроқ ейишни хоҳлайдиган кимсаларни гўё «руҳлантириб» юборди. Халқимизда «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деган нақл бор. Бу ўринда кўнгил нимага ўрганган эди-ю, нимага ўртаняпти деган саволни кўндаланг қўйсак, ўтган йилги Россия Давлат думасида бўлиб ўтган сайловда коммунистларнинг кўпчилик овоз олишлари ҳам ҳайратланарли эмаслиги аён бўлиб, масала ҳам бироз ойдинлашади. Ҳар қалай, ана шулар учун овоз берганларни 95 фоизи юрт равнақи, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инсоний баркамоллик учун эмас, балки гўштни, колбасани... нархини пасайтириб берар экан, деган хаёл илинжида овоз берганлардир. Энди уларнинг кўз ўнгларидан килоси беш сўмлик гўшт, арзон дудланган колбаса ва беш тийинлик автобус кираси қандай унутилсин? Ҳамма нарсадан ҳам қорин тўқ бўлсин, овқат арзон бўлсин, дейдиган боқиманда, тўрт мучали соғ бўла туриб, меҳнатни ёқтирмайдиган, ҳаёт қонунлари, иқтисод қоидалари, увол ва исроф билан қизиқмайдиган, оқибатда ким арзонроқ егулик ваъда қилса, ўшани этагини маҳкам ушлайдиган кимсалар, афсуски, Ўзбекистон диёрида ҳам мавжуд. Бундай кимсаларнинг «Мустақиллик бизга нима берди»— дея ўшқириб, нолишларини кўргандаёқ буларга бирон сўз уқтиришни ўзи мушкул эканлигини тушуниб етасан. Наҳотки, ҳозирги иқтисодий қийинчилик даври мустақилликнинг эмас, балки 70-йилдан ортиқ давом этган хўжасизликнинг, эгасизликнинг ҳосили эканлигини тушунишмаса?

Мустақилликка эришган эканмиз, ҳали насиб қилса, бу ишларни, ислоҳотларни, амалларимизнинг натижасини ҳам тез орада — яқин йилларда кўрамиз, иншоаллоҳ.

Ахир, «Тоққа чиқмасанг, дўлана қайда» дейди доноларимиз. Жонимизни куйдирмасдан, қийинчиликларни мардонавор енгмасдан, ҳалол меҳнат қилмай, покланмай бербер деявериш ҳам умумий ҳаётий қонунга ҳам, асл инсонгарчиликка ҳам тўғри келмайди.

Мана, яқинда Россия телевидениеси орқали намойиш этилган бир кўрсатувда Россиянинг ташқи қарзи 85 миллиард доллар эканлиги таъкидланиб, уни тўлаш йўллари мутахассислар томонидан муҳокама этилди. Менимча, бу ҳам ўша «арзончилик йиллари»нинг натижаси, мевасидир. Ҳа, бу дунё, чиндан ҳам, ҳисобли дунёдир. Шундай экан, олдинги замонлар тўғрисида хом хаёллар суриш ва уни қўмсаш — бу мисоли бир тубсиз қоронғу чуқурга қараб учишдир. Зеро, учиш ҳам икки хил бўлади: юқорига қараб, зафарлар, муваффақиятлар сари учиш ва пастга, чоҳга-ҳалокат сари қулаш ҳам — учишдир.

Биз эса буюклик ва юксаклик сари йўл танладик. Энди бу йўлдан охиригача матонат билан борамиз!

***Кўзинг очгин, биродар, йиғиб ақлинг***
***Тарк эт етмиш йиллик урф-одатинг.***
***Иймонга қайт, ўтмишингга назар сол,***
***Сен ҳам инсон, ўз ҳаққингни таниб ол!***

Президентимизнинг 12 апрелдаги чет эл журналистлари билан ўтказган савол-жавобини телевидение орқали диққат билан томоша қилдим, тингладим. Шундай серфикр, қатъий иродали Президентни қўллаб-қувватламаган юртимиз фуқаросини ким дейиш мумкин? Президентимизнинг дунёқарашига, мулоҳазаларига зимдан эътибор берилса, буюк Турон шахси, Темурлар авлоди кўз олдимизда гавдаланади. Демак, улуғлар, буюклар сиймоси юққан, балқиган заминда яшаяпмиз! Келажагимизга ўтмишимиздан худди буюклик оқиб келаётгандай.

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ**

**Наманган**

**Янгалар тўй еймиз деб томоқ ютар, ёр-ёр,**
**Қизлар қўшиқ айтади, умр ўтар, ёр-ёр.**
**Олисларда бир бахтнинг соҳибини авайлаб**
**Остонаси тилло уй келин кутар, ёр-ёр...**



*Муҳтарам муҳаррир!*

***Россия Давлат думасининг собиқ иттифоқни тиклашга қаратилган қарори республикамизнинг барча фуқаролари ўртасида катта норозилик билан қарши олинди.***

***Дарҳақиқат, бу ҳол Наврўз байрам кунларида янада аниқроқ, яққолроқ намоён бўлди, албатта.***

***Чунки ўзбек халқининг севимли байрами бўлмиш Наврўз халқнинг кўп удум ва урф-одатлари сингари яқин ўтмишда поймол бўлган эди.***

***Минг шукроналар бўлсинким, Ўзбекистон фуқаролари демократик мустақилликка эришганликлари туфайли ўз тиллари, динлари ва урф-одатларининг яна қайтиб эгаси бўлдилар.***

***Бинобарин, Ўзбекистон диёрида миллий ғурур, юксалиш ва тикланиш ривож топаётган бир пайтда бу ҳақда гапирмаслик инсофдан эмас, албатта.***

***Ниҳоят, оғир-енгилликларни кўрган ва муайян тажрибага эга кўп кишилар билан мулоқотда бўлганлигим туфайли, халқимизнинг «қизил жанобларнинг» собиқ иттифоқни тиклаш ниятларини кўтариб юрганликларига нисбатан норозиликларининг жиддий сабаб ва муайян асослари ҳақида, қисман бўлса-да, сиз рўзнома муштарийларига ҳикоя қилиб бермоқчиман. Зероки, халқимиз ўртасида бу масалада ҳеч бир иккиланиш бўлмасин. Нима деманг, «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади». Яна оғзимиздаги ўз ҳалол ошимизни олдириб ўтирамизми? Бизни яна аҳмоқ қилишларига йўл қўямизми?***

# ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ВА XX АСРДА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ

*24 май куни Ўзбекистон Республикаси ФА, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги атоқли давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаевнинг 100 йиллигига бағишлаб тантанали мажлис ва илмий анжуман ўтказдилар.*

*Таниқли олимлар, ёзувчилар, жамоат арбоблари, замондошлар Файзулла Хўжаевнинг Ўзбекистонда янги давлатчилик, миллий истиқлол, жадидчилик ва маърифий-маънавий ҳаракатчилик, халқ хўжалиги, ижтимоий-сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг тараққиётида ўйнаган тарихий роли хусусида илмий маърузалар қилдилар, сўз айтдилар. Файзулла Хўжаевнинг номи миллий ирода ва миллий онг уйғониши даври билан чамбарчас боғланиб кетган.*

*Арбобнинг 100 йиллик санаси Ўзбекистон халқининг етук фарзандининг ўта мушкул, мураккаб, фожиали даврда кечган фаолиятини ҳаққоний ва ҳар томонлама ўрганишда жуда катта аҳамият касб этади.*

**«МТ»**

# ҚАТТОЛ DАВРНИНГ ҚУРБОНЛАРИ

Тарих саҳифаларини варақлар экансиз, ота-боболаримиз бой мероси, уларнинг кечирган ҳаётлари билан янада яқинроқ танишасиз. Ота-боболаримиз қаерда бўлмасин, ўзбек миллатининг улуғ халқ эканлигини намоён этканликларини кўриб фахрланасиз, улар ҳақиқатдан ҳам, улуғ чидам ва бардош эгаси эканликларидан воқиф бўлиб, тасаннолар айтасиз.

Гарчанд, аччиқ бўлса-да, лекин адолат нуқтаи назаридан шуни қайд этиб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон заминида собиқ иттифоқ ўрнатилган пайтдан бошлаб улуғ ўзбек халқи ўз эрки, тили, байрамлари ҳамда урф-одатларини йўқотиб, Ўзбекистон заминида адолатсизлик ҳукм сура бошлади.

Фикримнинг тасдиғи сифатида яна қатағонлик даврида юз берган айрим адолатсизликлар, жиноятлар ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман:

Маълумки, 1937-38 йилларда миллат фарзандларини таъқиб ва тазйиқ қилиш, қатл этиш авжига чиқан даврда, яъни «халқ душманларини» овлаш даврида Ўзбекистон диёридан кўплаб ўзбек оилаларини ўз она-Ватанларидан жудо қилиб зўравонлик билан олис ўлкаларга бадарға этганлар.

Уларни эскича ўқиган, динга эътиқод қўйган, фарзандларини суннат қилган ва ислом динини тарғиб этган, деган туҳматлар билан кечалари уйларидан босиб олиб кетганлар. Уларнинг бир қисми эса Херсон НКВД хизматчилари томонидан отиб ташланганлар. Қолганлари эса, узоқ Комининг оғир шароитли меҳнат қамоқхоналарига жўнатилган. У ердан ҳеч ким қайтиб келмаган.

Шу нарса эътиборга моликки, мен ички ишлар бўлимларида хизмат қилиб юрган пайтларимда бизнинг миллий ғурур ва урф-одатларимиз кўп поймол этилган ҳолларга шоҳид бўлганман.

Урф-одатларни адо этган кишиларга нисбатан қаттиқ партиявий ёки маъмурий чоралар кўрилган.

Дарҳақиқат, мен анча йиллардан буён Херсон вилоят Каховка шаҳридаги ўлкани ўрганиш музейи ходимлари билан мактублар ёзишиб тураман. Ёзишмалар натижасида ота-боболаримиз 1931-1938 йилларда қулоқ сифатида пешоналарига «халқ душмани» тамғаси босилган ҳолда она-юртларидан олис ўлкаларга бадарға қилинганликларини аниқлашга муяссар бўлдим. Уларнинг аксарияти Херсон вилояти Каховка тумани Каменка қишлоғида истиқомат қилишган. Бу даврларда Каменка қишлоғида пахтачиликка ихтисослашган «Каховка-2» совхози ташкил этилиб, улар пахта етиштириш билан шуғулланганлар. Бинобарин, мазкур туманнинг Сергеевка қишлоғида пахта заводининг шаҳобчаси ҳам бўлган.

Ҳамюртларимиз фарзандлари шу ерда ташкил этилган ўзбек мактабларида таълим олишган. Каменкада ўзбекларнинг қабристонлари ҳам бўлган. Бадарға қилинганларни аксарияти Фарғона, Тошкент, Андижон ва Наманган вилоятларидан бўлганлар.

Бадарға қилинганларнинг ҳаёти ғоят оғир, машаққатли ва азоб-уқубатда кечган. Шунга қарамасдан улар тушкунликка тушмаганлар. Чидам ва матонат билан ўзларини тутганлар, ўз жамоаларини тузишиб меҳнат қилганлар. Улар ўзбек халқининг буюклигини сақлаб қолиш учун тиришиб, ҳар қандай азоб-уқубатлар ҳам ирodaларини бука олмаслигини ўз меҳнатлари билан намойиш этганлар. Келажакка ишонч ва умид билан қараганлар ва шу йўналишда иш олиб борганлар. Бу ҳақда Херсон шаҳрида чиқадиган вилоят рўзномаси, ҳамда Каховка шаҳри ва туман рўзномалари саҳифаларида ҳам мақолалар ёритилган.

Кези келганда шуни ҳам қайд этиб ўтиш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси қатағон давр қурбонлари билан ишлаш уюшмаси (ассосиасия)нинг президенти Нина Константиновна Матвеева 1992 йилда Украина республикаси Херсон вилоятининг Каховка, Скадовск ва Голая Пристан туманларига бориб, вилоят ва туман раҳбарлари билан учрашиб, 1930-31 йилларда ўз она-юртларидан зўравонлик билан бадарға қилинган ҳамюртларимиз ва уларнинг фарзандларининг тақдири ҳақида маълумот тўплаб келган эди. Шу каби маълумотлар матбуотда кўпроқ ёритиб борилса...

**Бахромжон БЎРОНОВ,**
**Ички ишлар хизмати фахрийси,**
**Қўқон шаҳри**

## «МТ»: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

# КИМЛАР УЛАР, БИТИРУВЧИЛАР?..

*Ўтган шанба куни мактабларда сўнгги қўнғироқлар жиринглади...*

*Ажаб, биз мактаб билан хайрлашар йили дунёга келган фарзандлар бугун етуклик шаҳодатномасини қўлга олиш арафасида туришибди...*

*Дунёда кўп нарса унутилади, кўп хотиралар хира тортади. Фақат мактаб унутилмайди, фақат устозлар сабоғи унутилмайди, фақат синфдошлар ўртасидаги дўстлик-биродарлик туйғулари абадий қолади. Мана шунинг учун ҳам орадан ўн, йигирма, ўттиз ва ҳаттоки ярим аср ўтгандан сўнг ҳам собиқ синфдошлар сарғайган винеткаларни кўтарганлари ҳолда бир-бир мактабга, учрашувга кириб келавердилар. Зеро, парталарда туғилган дўстлик соф, самимий, турфа тамаю ҳисоб-китоблардан ҳоли инсоний муносабат бўлади. Сабоқ берган муаллимлар-чи? Уларни унутиб бўладими, ахир?! Илло, ҳазрат Навоий лутф этганларидек:*

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,*
*Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила...*

*Эрта-индин мактабларимизни минг-минглаб полапонлар, ҳали бизнинг назаримизда жуда кичкина бўлган ука-сингилларимиз, фарзандларимиз тарк этишади. Кимлар улар? Ахир ҳар замоннинг, даврнинг талаби айрича бўлганидай, ҳар бир авлоднинг ҳам ўзига хос идеали, омоли, комиллик борасида ўз нуқтаи назари бор.*

*Кимлар улар, янги аср бўсағасидаги битирувчилар? Орзулари қандай уларнинг, дунёни англашлари қандай уларнинг? Мамлакатимиздаги кечаётган улуғ жараёнларга муносабатлари қандай уларнинг? «Турмуш онгни белгилайди», дейишганидек, иқтисодий қийинчиликлар боис уларнинг қанчаси фазогир ёки олимликни эмас, тижоратчи бўлиб, дунё кезишни орзу қилмоқда?.. Уларнинг қанчаси мутолаага қизиқади?*

*Ҳолбуки, айнан битирувчилар учун яхши замонлар келди. Энг оғир муаммолардан бири бўлган олий ўқув юрти талабаси бўлиш истаги йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланган. Билим борми, марҳамат, тест синовларидан ўтинг. Компютерга таниш-билиш қидиришнинг, совға-салом қилишнинг кераги йўқ. Жаҳд қилиб, тил ўрганган бўлсангиз-ку, нур устига яна нур — беш дақиқаси кам талабасиз...*

*Хуллас, ҳаётимизга ёш авлоднинг янги оқими кириб келмоқда. Истардикки, бу оқим қудратли бўлсин, ҳаёт аталмиш улкан уммонда янги-янги тўлқинлар, демакки юксалишлар ҳосил эта олгувчи, ўз залворига, ўзининг собит йўналишига эга оқим бўлиб қолсин...*

# ҲИКМАТ ТОШИНИ ИЗЛАБ...

Кимё асли алхимиклар фаолиятининг маҳсули. Фидокор ҳаваскор кимёгарлар у моддани бунисига қўшиб, тажриба ўтказавершган-ўтказавершган, алал-оқибат, ҳар қандай қаттиқ жисмни тиллога айлантириб қўювчи сеҳрли суюқлик эмас, масалан, бинонинг кулини кўкка совуриб юборган порох ихтиро қилинган. Кейинги сафар куйган, ҳамма ери яра-чақа бўлган кимёгар бошқа янги бир моддани кашф қилган...

Олтин илоҳий суюқлик эмас, оғир меҳнат натижасида, тоғ маъданларидан, тонна-тонна жинслардан мисқоллаб олиниши ниҳоят фанга аён бўлди.

Тилло ўз йўлига, аммо ўшани излаш оқибатида илм кимё соҳасида улкан инқилобий ўзгаришларга эришди. Бугунги кунда ҳам кимё ҳаётимизга чуқур кириб, сингишиб кетган. Айтиш мумкинки, ўтаётган асримизнинг биринчи ярми кимё асри бўлди. Кимё ҳамма жойда. У кийимимизда, идишимизда, жиҳозларимизда ва ҳаттоки... таомимизда.

Куни кеча мамлакатимиз кимёгарлари ўз касб байрамларини нишонладилар. Буни қарангки, айнан ўтган ҳафта «Зарафшон — Нюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ҳам ўзининг ташкил этилганлигининг бир йиллигини нишонлади. Бу икки қутлуғ сана бирга келинганининг ўзи қутлуғ рамзийликдан шоҳидлик бериб турибди шекилли...

# АВВАЛ ДЕҲҚОН БОЙИСИН

«Деҳқон бой бўлса — юрт бой бўлади», дейишади. Ҳақ гап. Аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшаётган юртимиз учун бу гап айниқса алоҳида аҳамият касб этади.

Вазирлар Маҳкамаси 2000 йилга қадар қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорга асосан энди қишлоқларда соғлиқни сақлаш муассасалари, маданий-маиший иншоотлар қуришга муҳим эътибор бериладиган бўлди.

Маълумотларга қараганда, кейинги тўрт йил ичида деҳқонларга 600 минг гектарга яқин ер томорқа қилиб бўлиб берилибди. Деҳқон томорқаси эса ҳосилдорликда ақлни шоширадиган даражада маҳсулдор бўлиши ҳаммамизга аён. Бу ҳол деҳқоннинг иқтисодий бойишига самарали таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Биз юқорида тилга олган қарор эса деҳқоннинг маънавий жиҳатдан ҳам бойишига яна озми-кўпми ҳисса қўшади.

**ГУЛЧЕҲРА**

ФАЛСАФИЙ ГУРУНГ

# МАЪНАВИЙ МУСТАҚИЛЛИК

Азамат ЗИЁ

Одатда маънавият ҳақида сўз кетганда барчага таниш ва доим бирдай қайтариладиган сўзларни эшитсак-да, аммо уни «ушлаб» кўриш имконига эга бўлмаганимиз сабаб шекилли, мавзуга яна қайтаверамиз. Бу табиий ҳол. Зеро, маънавият, инсон имконлари ва интилишлари чексиз. Шу билан бирга чексизликда йўқолиб, мавҳумлашиб кетмаслик учун қандайдир меъёрлар, тушунчалар бўлиши кераклиги ҳам табиий. Шунинг учун ҳам бизнинг шароитда маънавият моҳияти, яъни унинг, масалан ўтмиш давримиздан фарқи, алоҳидалиги ва ниҳоят мустақиллиги ҳар бир шахснинг ўз ўрнини англаш ва унга масъул бўлиши билан белгиланади. Оддийгина мисол. Ёши, маслаги, тажрибаси, салоҳияти, жамиятдаги мавқеи ва ҳоказолар нуқтаи назаридан бинойидекларнинг «совет даврида нон ўн тийин эди, энди-чи» қабилидаги «хайронлик»лари уларнинг ўз ўринларини англай олмаганликларидан, бунга улар ўша нон ўн тийинлик даврда ҳам эришолмаганликларидан далолатдир. Бундай аянчли ҳолат сабабини биз бугундан, ўша кишилардан эмас, балки сўнгги ўттиз йилдагина нон ўн тийинга тушган собиқ совет даври воқелигидан излашимиз керак. Совет тузуми энг аввало бизни сиёсий, ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилди. Сўнгра ҳар қандай эркин фаолият ва турмуш асоси бўлмиш ердан, мол-мулкдан бебаҳра этди. Собиқ совет ҳукумати ўзига энг муҳим вазифа деб ўзбек жамиятини миллий ва диний қадриятлардан юз ўгиртиришни билди: ўтмиш тарих ва маданиятимиз ўз аксини топган, бизнинг кимлигимизни доимо ёдимизга солиб турадиган аждодлар ва ватанга содиқликка ундайдиган тарихий, маданий, маънавий йўлимиз гувоҳларини йўқотиш йўлини тутди.

Миллат ва жамият руҳсиз танага айлантирилди. Таъбир жоиз бўлса, биз етмиш беш йил наркозда яшадик. Унинг таъсирида ленинчи октябрятлар, ленинчи пионерлар, ленинчи комсомоллар ва ҳақиқий ленинчилар оғу ғоялари билан муттасил суғорилиб пировардида «совет жамияти» воқелигининг ажралмас бўлаги бўлдик. Оқ билан қорани ажратиш қобилиятини йўқотдик. Ҳаммамиз у ёки бу даражада «қизил»га айландик. Шу маънода мустақилликнинг энг улуғ рўли шундаки, у туфайли биз ўз руҳимиз, ўзлигимизни қайта тиклаш имконини қўлга киритдик. Руҳсизлик ҳолатидан тўлақонли ҳаёт кечириш шароитига эга бўлдик. Аммо шу билан бирга мазкур неъмат қадрини ҳамма вақт ҳам тушуниб етмаяпмиз. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: мустақилликка муносабат жамиятимизда қандай? Бировлар бор, улар ҳар жиҳатдан истиқлол мазмунини тўла англайдилар, улар ватан учун ёниб-куйиб яшашга бел боғлаганлар. Бировлар бор, улар учун мустақиллик мавжуд қийинчиликларнинг бош сабабчиси (бундайлар асосан Горбачевни сўкадилар). Яна бировлар борки, улар учун кеча ҳам ёмон эмасди ва бугун ҳам шундай. Аммо мустақилликдан сўнг бошланган жараён улар учун энг муҳим бўлиб келган турли мазмун ва шаклдаги, турфа даражадаги ҳокимиятни йўққа чиқаради ва чиқармоқда.

Хоҳлаймизми-йўқми, биз ана шу маънавий воқелик билан ҳисоблашмоғимиз даркор. Бизнинг асл мақсад ва манфаатларимизга тўғри келмайдиган «бировлар» буғдой эмас, уларни ўриб ташлаш билан қутулиб бўлмаслигини ёдда тутишимизга тўғри келади. Биз бу борада болшевиклар йўлидан боришимиз мутлақо мумкинмаслигини, асл мақсад ва вазифаларимизга зидлигини қаттиқ ҳис этишимизга тўғри келади. Уларни фақат икки нарсагина бартараф эта олиши мумкин: вақт ва тафаккур. Тафаккур бўлганда ҳам фалсафиймас, амалий тафаккур.

Донишмандлар айтишларича ва тажриба тасдиқлашича, инсоннинг йигирма-йигирма беш йил умри муттасил ўқиш, ўрганишга сарф бўлади. Мазкур давр мобайнида унинг онги, дунёқараши, салоҳияти шаклланади, тарбияланади. Ёшликда ўрганилгани тошга йўнилганлигини ҳисобга олсак, боғчадан то олий ўқув юртини битиргунга қадар киши тафаккурига нима сингдирилса, қолган умри давомида у ўшани дейди, ўшанга суянади. Шу ўринда бир савол ҳақда ўйлайлик: бугун бизда боғчадан олий ўқув юртига қадар чўзилувчи таълим ва тарбия тизимининг ягона, яхлит давлат тизими ишлаб чиқилганми? Айтишларича, Ернинг сунъий йўлдоши ва космик кемасини учиришда советлардан бирозгина ҳаяллаган америкаликлар нима учун шундай бўлди, деган саволга жавоб излай бошлаган эканлар. Ҳатто Конгресс махсус комиссия тузиб, бир неча ой мазкур савол устида бош ҳам қотирган. Ахийри бир хулосага келибдилар. Умумий таълим тизимини тубдан кўриб чиқиш керак. Ва шунга енг шимариб киришиб бугун эса унинг доимий меваларидан баҳраманддирлар. Эътироз билдириб, бизнинг бу шароитда бу тадбир каттадан катта маблағлар талаб қилади, дейишлари мумкин. Бу асоссиз эътироз. Зеро, ҳозирги бор маблағнинг ўзигаёқ шундай концепсияни рўёбга чиқарса бўлади. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб қўймоқчимизки, бугунги кунда иқтисодий қийинчиликлар, қўшимча маблағларни етишмаслигини баҳона қилиб ҳеч нима қилмаслик ҳолати одат тусига кириб қолди. Биз бу билан агар салоҳият ва ишнинг кўзини билиб, фаолият кўрсатилса, бор маблағлар ҳисобидан мақсад ва манфаатимизга мувофиқ ишларни амалга оширса бўлади, демоқчимиз. 2 та мисол. Ҳозирда тамомила ўзбекона муҳитда яшовчи баъзи бир ватандошларимиз ўз фарзандларини яна рус синфларига бермоқдалар. Гарчи билиб турса-да, ана шундайлардан сабабини сўрадик ва рус синфларида ўқитиш савияси баланд, деган жавобни олдик. Хўш, нега шундай? Ўқитувчилар маоши ва бошқа-бошқаларда фарқ йўқ-ку. Тўғри, аммо дарсликларда бор дейишлари мумкин. Аммо, кечирасиз, мустақилликнинг бешинчи йилида яшаяпмиз. Бундан ташқари ҳукумат дарсликлар учун ҳеч қандай маблағни аямаган. Иккинчи мисол. 1994 йили катта тантаналар билан Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик тўйини ўтказдик. Газета, журнал, радио, телевидение дейсизми, турли-туман ташкилотларда дейсизми, мазкур мавзуга хўп эътибор бердик. Бироқ, тантана йили ўтдию ҳамма Мирзо Улуғбекни унутди. Бундай муносабатни бошқа алломаларимизга нисбатан ҳам кўришимиз мумкин. Нега шундай? Чунки биз «кампаниявозликка» ўрганганмиз. Ваҳоланки, айтайлик, Мирзо Улуғбек меросини, унинг жаҳон сивилизатсиясидаги буюк аҳамиятини тарғиб-ташвиқ қилиш миллийлигимиз ва салоҳиятимизни, ғурур ва илмга ташналикни тарбиялашда беқиёс ўрин тутади. Агар Мирзо Улуғбек каби аллома бошқа халқ тарихида ўтган бўлсин, бу ҳақда бонг уриб дунёни бузиб юборадилар. Бир сўз билан айтганда, биз буюк давлат даражасига кўтарилиш учун етук мутахассислар зарурлигини англаб, уларни қандай ва неча босқичда тайёрлаш, боғча ва мактабнинг ўрни қандайу, махсус ва олий таълимнинг роли қандай бўлиши, дарсликларга қўйиладиган талаблар, ўқитувчи ва домлалар салоҳияти, матбуот, телевидение ва радио иштирокини ўз ичига олувчи ва мақсадга мувофиқ ишловчи ўз ижрочилари ва жавобгарларига эга умумий консепсияни ишлаб чиқаришимиз керак. Бу давр ва келажак талаби. Энди маънавий мустақиллигимиз учун ниҳоятда зарур бошқа бир масалага ўтсак. Юқорида биз бозор иқтисодиёти асрлар давомида яшаб келаётгани ҳақида айтдик. Унинг барҳаётлигида шу муносабатлар таянчи бўлмиш мулк ва ишлаб чиқариш эгаларининг ўрни беқиёс бўлгани аниқ. Чунончи эркин иқтисодий муносабатлар тараққиёт йўлининг сармоядорлик босқичида мулкдорларнинг ўрни муҳим бўлганини яхши биламиз. Мулкдорлар иқтисодий муносабатлардаги асосий куч демакдир. Миллий маконда миллий мулкдорлар миллатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий манфаатлари ҳимоячиси бўлиб чиқади. Миллий озодлик ҳаракатларида фаол иштирок этиб, кўп ҳолларда уларга раҳнамолик ҳам қилади. Ана энди мулкчилик шаклларидан қатъий назар ҳозирги иқтисодий муносабатларимизда асосий куч ҳисобланмиш корхона бошлиғи ва эгасидан бошлаб, дўкондору тижоратчиларга — барча-барчасининг майда, ўрта, йирик миллий мулкдорларнинг маънавий оламига, яъни сиёсий, иқтисодий мустақилликка, юксак тараққиёт йўлида боришликка муносабатларини кўриб чиқайлик. Уларни тушунишга ҳаракат қилайлик.

Сиёсий мустақилликка қандай шароитда, қандай қилиб ва кимлар, аниқроғи ким раҳбарлигида эришилганининг жонли гувоҳи сифатида шуни айта оламизки, мустақиллик масаласида миллий мулкдорлар асосан четда турди. Энг оғир йиллар ортда қолди. Бу йиллар тошини ким ва кимлар кўтариб ўтганини ҳам яхши биламиз. Миллий мулкдорлар орасида шундайлар ҳам бўлдики, ўз шахсий ва корпоратив манфаатларини ўйлаб ё ожизликлари сабаб, «эски узилган алоқаларни тиклаш керак, шундагина иқтисодий аҳволимиз яхшиланади» кайфиятига зўр бериб, билиб-билмасдан сиёсий мустақиллигимиз пойдевори учун хавф ҳам туғдирдилар.

Эркин иқтисодий муносабатлар жараёнининг ҳам миллий-молиявий, ҳам ҳуқуқий-амалий асослари яратилди. Эркин иқтисодий муносабатларда иштирок этаман деган ҳар кимга бугун барча шароитлар муҳайё. Хуллас, тўрт ярим йилда мулкдорлар ҳақиқатан ҳам, ишлаб чиқаришнинг энг салмоқли эгаларидан бирига айланишди. Савол: бизнинг бугунги мулкдорлар ҳеч бўлмаганда гоҳо, биз қайда эдигу, қайга келдик, ким эдигу ким бўлдик, бунинг бош сабаби нимада, у қандай куч экан, деб ўзларича ўйлаб кўрадиларми? Эришганларининг барига мустақиллик сабаб бўлганини тан оладиларми? Тан олсалар, ана шу — мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш, яшнатиш, яна ўзларига нафли бўлган бошқа қирраларини очилиши учун қандайдир маънавий бурч, маъсулият сезадиларми?

Жамият салоҳиятли, етук, кенг дунёқарашли, маданият ва маънавиятли кишиларга қанча бой бўлса, иқтисодий тараққиёт доираси шунчалар бақувват бўлишини улар биладиларми? Кутубхоналари кўп ва бой, замонавий мактаблари етарли ва замонавий, турли йўналишдаги китоблари кўп ва арзон жамиятда буюк олимлар, шоиру ёзувчилар, сиёсатчию ишбилармонлар етишиб чиқиш имкони юқори бўлишини англайдиларми?

Нима, ўзбек сармоядорлари транс-континентал лойиҳаларни амалга оширишни, етти иқлимда мавжуд битмас-туганмас «рента» булоқларини симиришни орзу қилмайдиларми? Агар шундай режалари бўлса, бунга фақат юксак салоҳиятли ва маданиятли жамият ҳамда буюк давлат намояндаларигина қодир бўлиши мумкинлигини англайдиларми? Агар шундай бўлса, бизнинг миллий мулкдорларимиз мустақиллик, тараққиётимизнинг энг толмас, онгли тарғиботчилари, ҳимоячилари, амалий ва доимий иштирокчилари бўлмоқлари керак.

Икки оғиз сўз сиёсий, иқтисодий ва маънавий мустақилликдаги зиёлилар ўрни ҳақида. Лўнда айтганда, зиёлилар аслида истиқлол меваларига эгалик қилиш, уларни ўзаро бўлиб олиб баҳраманд бўлиш учун курашмайдилар, жонфидо қилмайдилар. Аксинча, миллий истиқлолдан юзага келган натижадан жамиятнинг барча аъзолари ўз имкониятлари ва салоҳиятларига яраша истифода эта олишлари учун сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий, ҳуқуқий шарт-шароитлар даҳлсизлиги йўлида ўз тарихий ўринларини йўқотмасликлари учун яшайдилар, курашадилар. Шундагина зиёли номи ва мазмуни оқланади. Шундагина миллий истиқлол ва тараққиёт абадий қолади.

Энди торозунинг иккинчи палласидаги «юк» — демократияга тўхталсак. Ҳақиқатдан ҳам, у оғир юк. Аммо кераклик юкнинг оғирлиги йўқ. Юкни эса елкага кўтаради. Қарамнинг елкаси фақат калтак зарбини кутади. Демак қарамлик шароитида эрк ва адолат бўлмайди. Ва демак эркка эришган жамият учун адолат ва демократия эшиги очилади. Эшик орасидан ўтиб олиш адолатга эришдим дегани эмас. Адолат учун доим курашилади. Доим шундай бўлиб келган. Зеро ҳаёт бу кураш демакдир. Шунинг учун ҳам мутлақ мустақиллик ва озодлик йўқ. Шундай экан мутлоқ адолат тўғрисида сўз юритиш ортиқча. Акс ҳолда инсон ўйига етолмай «ақлидан озади», воқеликдан, яшаб турган замонасидан, унинг паст-баландликларини холис идрок этиш имконидан маҳрум бўлади, тараққиёт тўхтайди. Демак бугун биз демократия хусусида сўз юритарканмиз, энг аввало мавжуд воқелигимиздан келиб чиқмоғимиз лозим. Четга боқиш, маҳлиё бўлиш ниҳоятда хавфли. Бугун, ҳеч бир иккиланмай айта олишимиз мумкинки, Амир Темур даврида бизда давлат демократиясига эришилганди. Ҳамма нарса давлатнинг тепасида қандай шахс туришига боғлиқ. Агар у билимдон, адолатли, қатъий бўлса, давлат демократиясини ўрнатиш мумкин. Лекин бундай ҳолат ўша шахс жамиятни бошқариш имконидан маҳрум бўлиши билан тўхтайди (Амир Темур ўлимидан кейинги аҳволни эслайлик).

Бугунги авлод сотсиалистик демократияни ҳам ўзида синаб кўриш «бахти»га муяссар бўлган. Биз уни «наркотик демократия» деган бўлардик. Ҳаммамиз ўша даврдан чиққан эканмиз, озми-кўпми ўша «демократия»нинг таъсири бўлиши табиий. Аммо асосий масала биз учун бошқа ерда. Билмадик, бунга ким қандай қарайди. Бизнингча, ҳақиқий демократияга юксак иқтисодий тараққиёт орқалигина эришиш мумкин ё бўлмаса бу унга қараб борувчи энг яқин йўл. Фикримиз исботи учун кичкинагина имтиҳон. Агар хоҳлаган кишига, хоҳлаган ерда қуйидаги икки савол берилса, аминмизки, икковига ҳам жавоб бир хил бўлади:

1) Бугун жаҳонда иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган давлатлар қайсилар? 2) Бугун жаҳонда қайси жамиятларни энг демократик дейиш мумкин? Жавоб: АҚШ, Ғарбий Европа, Япония ва яна бир-икки мамлакат. Шу ҳолатнинг ўзиёқ демократик жараён иқтисодий муносабатлар ривожи билан боғлиқлигини кўрсатмайдими? Янада ойдинроқ айтганда, юксак иқтисодий тараққиётга эришиш учун умумий ва олий таълим, фан, маданият, ишлаб чиқаришнинг турли-туман соҳаларида не-не тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Буларнинг бари жамиятдан улуғ ҳаракат ва чуқур тафаккурни талаб қилиши ҳам аниқ. Демак доим тафаккур ҳаракат ривожда бўлади. Тафаккур ҳаракати алоҳида шахсни ҳам, бутун-бутун гуруҳ ва табақаларни ҳам тарбиялайди, кўп нарсага кўзни очади. Тафаккур катта бир қудрат, унинг юки бор, бу юкка эга шахс вазмин бўлади.

Иқтисодий тараққиётнинг демократия гарови эканлигининг яна бир муҳим асоси бор. Иқтисодий муносабатлар мазмуни эркин экан, иқтисодиёт ҳар қандай жамиятнинг пойдевори экан, пойдевори эркин жамиятнинг устқурмаси — ижтимоий-сиёсий-маданий муносабатлари ҳам эркин бўлиши муқаррар. Хоҳишларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда пойдевор шуни тақозо қилади. Агар шу талаб ўз вақтида қондирилмаса, тараққиёт сустлашади, тўхтайди ё ижтимоий-сиёсий кескинлик юзага келади. Зеро иқтисодиёт ўсиб борган сари ўзига янада эркинроқ муносабатни талаб қилаверади. Биргина мисол. **Уч-тўрт йил бурун етиштирилган пахта ҳосилининг ярмигача миқдори пахтакорда қолишини ким тасаввур қилибди дейсиз.** Балки бугунги иқтисодий ислоҳотларимиз меъмори тасаввур қилган, шунга интилган бўлиши мумкин. Аммо кўпчилик, айниқса деҳқонларнинг ўзи бунга ишонмаган ҳам, ўйламаган ҳам. Эркин иқтисодий муносабатлар қонунларидан бохабар бугунги кунда ҳадемай ҳосилнинг юз фоизи деҳқонлар ихтиёрида қолишини айтиш энди қийин эмас. Буни бизга ким ўргатди? Эркин иқтисодиёт табиати. Ўзгаришлар нафақат иқтисодий муносабатларда, балки сиёсий-ижтимоий соҳаларда ҳам бориши аниқ. Шу маънода, фикримизча, бир мавзу муҳим бўлиб қолди. Юртбошимизнинг Самарқанд ва Қашқадарёга ташрифлари ва у ердаги аҳвол шуни кўрсатдики, биз яқин вақт ичида ўрта ва қуйи бўғин бошқарув тизими ҳақида бош қотиришимиз лозим.

Шундай қилиб, биз торозунинг икки палласини мувозанатга келтиришга уриниб кўрдик. Албатта, бу ҳали нуқта қўйилди дегани эмас. Бунга эришиш ҳам мумкин эмас. Зеро, инсон ва инсониятнинг имкон ва хоҳишлари чексиз. Фақат бир нарса аниқ — киши фикрлаш, ҳаракат қилиш, ватанни ва халқни севишдан тўхтамаслиги лозим. Торозу паллалари эса тебранишдан тўхтамайди.

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ — ДАВР ЭҲТИЁЖИ

Давлатимизга қўшни бўлган мамлакатлар ҳудудида авж олаётган сиёсий ўйинлар, ўзини етук назариётчи деб англаётган сўзамол шахсларнинг олға сураётган ақоид (консепсия)ларига эътибор қилар эканман, беихтиёр ҳазрати Мусо алайҳиссалом даврларидаги золим фиръавннинг қулликдан бош тортган қавмларга кўрасатган сиёсат майдонидаги масхарабозликлари, инқирози муқаррар бўлган салтанат талвасасидаги талпинишлари кўз ўнгимга келаверади. Ваҳоланки, фиръавн Ҳақ ва Адолат йўлида бўлган янги куч олдида ўзининг нечоғли ожиз эканлигини фаҳмлаб етган эди.

Маълумки, собиқ иттифоқнинг сиёсатдаги диктатура, топшириқбозлик, назария, сиёсат ва амалиётнинг бир-биридан узилиб қолиши каби асосларда қурилган сотсиалистик тузуми пойдевори ниҳоятда бўш эди. Ана шу бўш пойдеворни қуришда ҳам барча соҳаларда ҳам назарий, ҳам амалий масалаларда жуда қўпол хатоларга йўл қўйилди. Бу эса ўз навбатида иттифоқнинг хом ашё базасига айлантирилган чекка ўлкалари қатори Ўзбекистонни ҳам дунё ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тажрибасидан ажралиб қолишига олиб келди.

Айниқса, жамият маданий ҳаётининг барча соҳалари тўлиғича синфий, партиявий мақсадга бўйсундирилиб, сиёсатлаштирилди. Натижада барча маданий бойликлар, инсоний қадриятлар мафкуранинг бир қисмига, уни амалга ошириш воситаларидан бирига айланиб қолиб, мустақил ўзига хос хусусиятларини йўқота борди. Шаклан миллий, мазмунан «мустамлака» бўлган халқлар ўтмиши, маданий мероси, тили, дини, миллийлиги сотсиализмнинг ғоявий қолипларига мос келмагани учун четлаб ўтилди ёки «хўжа кўрсин» тарикасида бирёқлама ўрганилди.

Икки авлод умрича давом этган бу худбин сиёсат, алҳамдулиллоҳ, ўз интиҳосини топди. Аммо... яна ўша даврни орзу қилаётган сиёсат қўғирчоқларининг морбознинг аврашига монанд қилиқлари кишини сергаклантиради. Бу масала барча иймонталаб, ўз Ватанини жондан севгувчи зиёлилар қаторида мени ҳам лоқайд қолдирмади. Зеро, пири комил Амир Низомиддин Алишер Навоий бундан қарийб олти юз йиллар бурунок ана шу «бирлашмоқ керак» деб аюҳаннос солаётган, ўзи мансуб бўлган халқнинг холис фикрли зиёлиларига ҳам «кулги» бўлиб турган «ўртоқлар»га қарата

***Ёр улдурким, тилию кўнгли***
***онинг бўлса бир,***
***Ким тили ўзгаю кўнгли***
***ўзгадур ул ёр эмас,***

деб очиқ-равшан айтиб қўйган эдилар.

Ҳазрати соҳибқирон Амир Темур туғилиб ўсган юртларининг порлоқ истиқболи, унинг чўнг маданий ва маърифий юксалиши бу минтақада мустақил давлатнинг пайдо бўлиши билан амалга ошиши мумкинлигини зукко сиёсатдон сифатида фаолиятларининг бошидаёқ англаб етган эдилар. Чунки, тарих тажрибалари кўрсатганидек, IX асрнинг охирларида Марказий Осиёда Сомонийлар, кейинчалик Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар ва бошқа қадимий маданият анъаналарига бой бўлган мустақил давлатларнинг вужудга келиши билан шаҳарлар ва шаҳар маданияти тез ривожланди, маданий алоқалар кучайди, уйғониш даври бошланди. Ислом маърифати ва «мусулмончилик» деб аталмиш маънавиятга асосланган бу давр парвозига XIII асрнинг 20-йилларидан бошлаб зарба берилди. Аммо, XIV асрнинг 60-йилларида буюк Амир Темур асослаган мустақил империя юзага келгач, уйғониш тикланди, илм ва маънавий равнақнинг II босқичи бошланди.

Илм аҳлига маълум бўлган тарихий хронологияни қайд этишдан мақсад нима, деган хаёлга боришингиз мумкин, азиз ватандош. Бундан мақсад шуки, биринчиси, «Илк Уйғониш», иккинчи босқичи «Темурийлар Ренессанси» деб аталмиш катта миллий юксалишларни бошидан кечириб, неча-неча адолатсизликларга бардош берган менинг жафокаш элим бугунги кунда, дунёвий сивилизатсия жараёни ўзининг юқори чўққисига эришган бир даврда янги маданий ва маърифий парвоз олдида, менинг назаримда энди жуда узоқларни кўзлаган ўзига хос Миллий Уйғониш даври бўсағасида турганга ўхшайди.

Давлатимиз сиёсий мустақиллигини эълон қилган пайтдан ҳозирги кунга қадар ўтган давр мобайнида жамиятимиз кишисининг тафаккурида жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу албатта, табиий ҳол. Лекин, бундай тафаккурий тозариш, келажакка бўлган катта умид, ўз куч-ғайрати, билими ва тажрибасига бўлган ишонч халқимизга жуда узоқ вақт, балки ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур даврларидан сўнг биринчи бор насиб этмоқда. Шунинг учун ҳам мен жамиятимизнинг бугунги кунини мустамлака занжирларини юлқиб улоқтирган ҳазрати соҳибқирон Амир Темур даврларига қиёс қиляпман.

Ҳазрати Соҳибқирон ўзларининг доно сиёсий тадбиркорликлари, халқпарвар, адолатпарвар ва маърифатпешаликлари туфайли Туронзамин халқлари бой маънавий, ижодий имкониятларини очишда катта хизмат кўрсатдилар. Баҳоваддин Нақшбанд, Али Қушчи, Лутфий, Журжоний, Тафтазоний, Коший, Давоний, Кошифий, Беҳзод, Жомий каби олим ва фозил ижодкорларни дунёга «Темур сивилизатсия»си берди. Хожа Аҳрори Вали, Низомиддин Амир Алишер Навоий, Мирзо Улуғбеклар бу маданий кўтаринкиликнинг чўққилари ҳисобланадилар.

Маълумки, мустақиллик халқни тинч ҳаётга, фаровонликка олиб боришга қаратилса, яхши натижаларга эришилади. Бу эса ижтимоий-маданий тараққиётда илм-фан, маърифатга таянишни, ижодий ақлга имкон яратилишини тақозо этади.

Бироқ, ана шундай масъулиятли даврда биз шу нарсани эътибордан қочирмаслигимиз лозимки, «мусулмон Шарқидаги IX-XII асрлардаги маданий жараён ўз мазмуни, моҳияти, тарихий ривожланишдаги ўрни жиҳатидан Оврўпо мамлакатларидаги XVI-XVII асрлар Уйғониш маданиятига тўғри келади. Бироқ Шарқ ва Оврўпонинг турли шароитларида улар ўзига хос хусусиятларини ифодалайдилар:

**Биринчидан**, Оврўпода Уйғониш маданияти феодализм муносабатлари ва маданиятининг янги ижтимоий-маънавий талабларига жавоб беролмаслиги ва янги эҳтиёжларни қондиришга бўлган интилиш натижасида вужудга келиб, буржуа муносабатлари ва буржуа маданиятининг асосланиши билан якунланади.

Мовароуннаҳрда эса Уйғониш маданияти илк феодализм маданияти, феодализмнинг тез ривожи ва мустақил феодал давлатларнинг ривожи билан боғлиқ янги эҳтиёжлар асосида шаклланди.

**Иккинчидан**, Уйғониш маданиятининг характери маълум минтақалардаги фалсафий дунёқарашларнинг хусусиятларига ҳам қаттиқ боғланган бўлади. Жумладан, Шарқ қадимий фалсафаси аввал-бошдан кўпроқ инсон руҳиятини, унинг ички оламини билишга ва инсонларнинг ўзаро муносабатларини англашга эътибор берган бўлса, Ғарб фалсафасининг бирламчи мақсади ташқи дунё табиатини билишдан, инсоннинг табиий борлиқдаги ўрнини белгилашдан иборат бўлган.

Шарқ ўз тафаккурий тараққиётида инсоннинг ижтимоий аҳволини кейинга суриб, унинг маънавий камолотига эътибор берган бўлса, Ғарб бутун диққатини инсоннинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга қаратди. Бунинг натижасида Оврўпо давлатларининг колониялар эгаси бўлишга интилишлари кучайди.

**Учинчидан**, Шарқ ва Ғарбнинг инсонга бўлган муносабати уларнинг таълимга бўлган муносабатида ҳам акс этди.

Таълимни восита деб билган Ғарб илм-фаннинг барча воситаларидан кенг фойдаланиб тўкин-сочин жамият барпо этолди. Бироқ у ахлоқий қадриятларидан ажралди. Шарқ эса таълимни мақсад деб қараб, техникавий тараққиётни ўйламай, юксак маънавиятни сақлаб қолгани ҳолда чуқур иқтисодий тушкунликлар домига дучор бўлди[1].

Ана шу мулоҳазалар нуқтаи назаридан биз бугунги кунда ўзимизни янги, ўзига хос маънавий ва ижтимоий-иқтисодий тикланиш, кўтарилиш жараёни бўсағасида ҳис этар эканмиз, Ғарб ва Шарқ Уйғониши сабоқлари ҳаётимизга ибрат бўлмоғи лозим.

Ҳурриятга эришувимиздан кўп ўтмай давлатимиз ўзининг буғдой ва нефт мустақиллигига эришди. Ижтимоий-маданий ҳаётда, саноат ва тижорат соҳаларида эришилган ютуқлардан ташқари, биргина юқорида келтирилган далилнинг ўзиёқ бизнинг бугунги ҳукуматимиз сиёсатини ҳазрати Соҳибқирон давлатчилик сиёсатларидаги баъзи жиҳатларга қиёслашга имкон беради. Ибн Арабшоҳнинг маълумот беришича, ҳазрати Соҳибқирон ўз ҳарбий юришларини аксари қиш ойларига мўлжаллар эканлар. Армияни ва юртда қолаётган халқни ғалла билан таъминлаш мақсадида аскарга деҳқончилик қилиш учун рухсат, аниқроғи буйруқ берилар экан. Ғалла ҳосили йиғиб олингач, ўзини ва аҳли оиласини иқтисодий жиҳатдан таъминлаган, шаҳар бозорларини тўлдирган аскар ҳарбий юришларга отланар экан.

Ҳасан Ато Абуший номли муаллифнинг «Туркий қавмлар тарихи» деб номланган асарида Туронзамин халқлари «... маданият ва маориф бобинда оламда энг улуғ хизмат кўрмишлар: Оврўпо халқини маданий ўлан Шарқ (Ҳинд, Чин, Туркистон, Форс, Араб) ила турклар тонишдирмишлар. Ва оролларинда воситаи маданият [illegible] маориф ва тижорат ўлмишди[illegible] лар... турк улуғлариндин бири: «Дуруст! Неча минглар ила йиллар ичинда бир неча мартаба бадавий ва ё бадавийлашмиш халқлар ҳужуми ила турк маданияти йер йузиндин йўғолиб туруви мумкин. Лекин ҳамонда асари бутунлай битмай қолмишдир. Онларнинг хотира ва ёдгорлари ва муаррихларнинг шаҳодати шаксиз бу ўринларда маданият олами бўлганлигини кўрсатадир. Ва булар борчаси бўлажак вақти ила келажак маданиятнинг муқаддима ва сармоялари бўла олурлар», демиш» (таъкид меники — Д.С.) каби фикрларни келтиради. Ана шундай «маданият сармоялари»га эга бўлган соҳибҳидоят халқимизнинг ҳазрати соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар давридан ҳам чўнгроқ, юксакроқ миллий кўтарилишига юртимиз атрофидаги сиёсат «морбоз»ларининг аврашлари келажакни асраш йўлидаги ҳушёрлигимизни орттириш учунгина хизмат қилмоғи лозим.

Юртимизда кечаётган сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий жараён Миллий юксалиш, Миллий тикланиш, Миллий Уйғониш каби номлар билан сифатланар экан, бу асло ғаразли миллий мумтозлик нуқтаи назаридан ўйлаб топилган сафсата эмас, балки ватанпарварлик, элсеварлик, миллатсеварлик каби дилдаги пок ҳиссиётларнинг тилга кўчишидан ҳосил бўлган эътирофдир.

Соҳибҳидоят юртим, фарзандларим ва улардан туғилажак авлодлар келажаги ҳақида ўй сурар эканман, ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу қитъаларида акс этган ҳақиқат кўнглимга таскин беради:

***Не раҳравеки, тожи***
***ҳидоят бошидадур,***
***Йўқ бок анга ҳаводиси***
***афлок тошидин.***
***Ҳудҳудки, қўйдилар***
***азалий тож бошиға,***
***Тушғайму жола ёққон***
***ила тожи бошидин?***

Алҳақ! Бугун менинг йимоним комилки, мустақил, ҳур тараққиёт йўлига қадам қўйган машҳур Ватаним Шарқ заминидаги осмон билан «тиллашган» виқорли тоғлар сингари асрлардан асрларга юксалиб бораверади! Иншоаллоҳ.

**Дилором САЛОҲИЙ,**
**филология фанлари номзоди,**
**Самарқанд**

[1] *Исомиддин Салоҳий. Самарқанд Давлат меъморий обидалар ва нафис санъат тарихи музей—қўриқхонаси 1995 йилги биринчи сиёсий ўқишларида қилинган маърузадан. Қўлёзма. Музей архиви.*

МУСАВВИР ВА ТАСАВВУР

# ИЛҲОМ БЕРАЁТГАН ТАРИХ

Ўн олти йилдан буён самарали ижод қилиб келаётган мусаввир Ҳайдарбек Санаев яратган турли мавзулардаги тасвирий асарлар орасида манзаралар, натюрмортлар ҳамда портретлар бор. Уларни томошабинлар кўп марталаб кўргазмаларда кўриб баҳраманд бўлишган. Асарларнинг айримлари музейлардан ўрин олган, фотонусхалари эса тўпламлар, журналлар, бошқа турли матбуот нашрларидаги зарварақли саҳифаларни безаган. Аммо Ҳайдарбек сидқидилдан ҳаракат қилиб юзага чиқараётган тарихий мавзудаги асарларини кўпроқ қадрлайди.

1994 йилда Алишер Навоий номидаги Нафис санъат мактабида, сўнгра эса Ўзбекистон Меъморлар уюшмасининг кўргазмалар залида Ҳайдарбек Санаевнинг шахсий кўргазмалари ташкил этилди. Унда нисбатан ёш бўлса-да, юқори маҳорат даражасига эришган мўйқалам соҳибининг 1989-1994 йилларда яратган сараланган 55 та бадиий тасвирий ишлари муваффақиятли намойиш қилинди. Кўргазмадан жой олган (Буюк ипак йўли) деб аталган асарлар туркуми рассом ижодининг асосини ташкил этади. Уларнинг мазмунига буюк тарихий шахслар, қадимий ёдгорликлар, осори атиқалар, кўҳна ривоят ва асотирларнинг тасвирий акслари ҳам киритилганлигини, уларнинг нақадар кенг қамровли ва мураккаб эканлигини кўрсатади. Мусаввир узоқ ўтмиш ва ҳозирги давр оралиғидаги воқеаларни қамраб олишга, асарлар мажмуи орқали бадиий бетакрор бўёқларда тасвирлашга ҳаракат қилмоқда. «Абу Али ибн Сино», «Шоҳ» (Улуғбек образи), «Афросиёб», «Самарқандда баҳор», «Қадимий Дабусий қалъаси», «Оқ тепа», «Чўпонота мақбараси», «Эски масжид», «Кўҳна Урганч» ва бошқа кўплаб ажойиб асарлар рассомнинг тарихий мавзудаги ишларининг тадрижий давомидир.

Кўпчилик рассомлар одатда баҳор фаслини қувончли, ёркин, очиқ ранглар мажмуи орқали тасвирлаб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Ҳайдарбек бу мавзуни очиб беришда бошқача йўл танлаган. Унинг «Самарқандда баҳор»ида қандайдир сирлилик мавжуд бўлиб, у асосан ранглар воситасида юзага чиқарилган. У тун пайти Афросиёб кўриниши билан биргаликда олиб тасвирланган. Қорадарё бўйидаги шаҳар қорамтир, қўнғир-илиқ ранглар уйғунлигида акс эттирилган. «Афросиёб» асарида эса шаҳар бор бўйича тепалик устида кўриниб тургани чизилган. Унда давр руҳи сезилади, тасвирлар қадимги пайтлардаги манзарани кўз олдингизда намоён этади. Маълумки, илгариги замонларда қалъа-шаҳарлар ернинг баланд жойларига қурилиб, атрофи «зов»лар сув тўлдирилган хандақлар билан ўралган. Ҳозирги пайтда у нарсалар сақланиб қолмаган, аммо мусаввир уларни композитсияга киритиб, кўприк ва у томон йўналиб бораётган қадимги арава орқали давр руҳини ёритиб беришга уринган. Рассом ижодида бўёқларни айнан ўз ўрнида ишлатиш, унинг турли рамзий ифодаларига эътибор бериш кучли. Ҳар бир асарига мусаввир ранг ва туслар моҳиятидан келиб чиқиб жиддий ёндашади ҳамда композитсиядаги тарихларни бўрттириб, жонлантириб юборади. Бўёқнинг ҳар бир қуюқ суртмасига, ҳатто мўйқалам қолдирадиган бужур изларга жило бериб, уларга алоҳида маъно юклайди, мазмунни чуқурлаштиришга ҳаракат қилади. Ўз туйғуларининг нозик ифодасини ранглардан топади. Уларни томошабинга ҳам «юқтиришга» интилганлиги сезилади.



Суратда: рассомнинг «Дабусия қалъаси» асари

«Амир Темур масжиди» номли рангтасвир улуғ соҳибқирон меъморчилик борасида амалга оширган бунёдкорлик ишларидан бирини тараннум этувчи асардир. Рассомнинг айтишича, бир китобда илгари қаердадир Амир Темур масжиди бўлганлигини ўқиган экан. Кейин унга қизиқиб қолган. Архив ҳужжатлари билан танишиш истагида манбаларни қидириб, «Туркестанские ведомости» газеталари тўпламидан рассом А. Каразин томонидан қалам билан сурати туширилган, изланаётган бино нусхасини топган. Ўз пайтида, кўп йиллар муқаддам тезкорлик билан ишланган хомаки расмларга қараб улар асосида масжиднинг асл кўринишини тасвирини тиклашга, рангларини тасаввурида топишга муваффақ бўлди. Натижада илгари ҳеч ким томонидан бор бўйича акс эттирилмаган тарихий ёдгорликнинг рангтасвири бунёд бўлди.

Бу ишни тарихий манба ҳисобланган, мубҳамроқ қаламсуратлардан фойдаланиб амалга оширишида Ҳайдарбекда мавжуд бўлган истеъдоднинг, йиллар мобайнида орттирилган маҳоратнинг кучи ҳам муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз. Тасвирий асарда Амир Темурнинг мовий рангни ёқтирганлигига урғу берилган. Шу билан бирга тарихда соҳибқирон салтанати ҳукм сурган замонлар «олтин давр» ҳисоблангани учун тилла ранг рамзий тус ва бўёқлар мажмуидан ҳам унумли фойдаланиб намоён этилган.

Ҳайдарбек Санаев улуғ аждодимиз соҳибқирон Амир Темур баҳодир ҳаёти билан боғлиқ қадамжоларнинг аниқ, тиниқ, рангин кўринишларини ўзида акс эттирувчи яна бир нечта асарларни ишлаб ниҳоясига етказмоқда. Мусаввир бу йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Амир Темур йили деб эълон қилинганлиги, ЮНЕСКО қарори бўйича буюк соҳибқироннинг 660 йиллигини жаҳон жамоатчилиги кенг нишонлаши муносабати билан ташкил қиланажак тасвирий санъат кўргазмаларида иштирок этиш ниятида тинмай изланмоқда.

**Баҳром ТОЖИЕВ**

